


**Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда**

# ИЛМ-ФАН САЛОҲИЯТИ —

***Мустақиллигимизнинг илк қутлуғ қадамлари, дадил айтиш мумкинки, олий таълим соҳасидаги бемисл ислоҳотлардан бошланган эди. Эсга олайлик, 1992 йилда собиқ педагогика институтлари ва кўпгина олий таълим муассасаларига университет мақоми берилди. Орадан кўп ўтмай, кенг қамров ва назарий қувват бобида маълум тажрибани ўтаган университетлар «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда асосий ҳалқа доирасига киритилди. Таълим соҳасидаги улкан ислоҳотларнинг биринчи босқичи якунланди. Олий таълим масканларида «жаҳон андозасига мос мутахассислар», «рақобатбардош кадрлар» сингари калималар кундалик сўзларга айланиб қолди. Булар яхши, албатта, собиқ Шўро даврида фақат ўқитувчилар тайёрлаш билан банд бўлган, университет мақомини олганига 9 йил тўлаётган олий таълим муассасаларида ўтган даврда сифат ўзгаришлари юз бердими? Боқимандалик тушовлари улоқтирилдими? Умуман, университетлар бугун ҳаётда қандай ўрин тутаётир, назарий тадқиқотларда ҳаёт сари юз тутиш аҳволи қандай? Мухбиримиз шу каби саволлар билан Қарши давлат университети ректори, таниқли математик олим, профессор Гулмирза Худойбергановга мурожаат қилди. Қуйида шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.***

**— Гулмирза Худойберганович, Сиз Ўзбекистон Миллий университетида узоқ йиллар кафедра мудири, математика факультети декани сифатида фаолият кўрсатган олимсиз. Миллий университетимиз математиклари ҳақида гап борганда, жаҳоншумул олимлар, академиклар Т. Саримсоқов, С. Сирожиддиновлар исми шарифлари беихтиёр хаёлдан ўтади. Шундай номдор мактабда улғайган олимнинг Қашқадарё вилоятидаги университетта ректор бўлиши, Миллий университетда шаклланган тамойиллар бу ерда ҳам урф бўлади, деб умид уйғотади.**

— Қарши давлат университети республикамиз жанубидаги йирик таълим масканларидан бири ҳисобланади. Университетда таниқли олимлар кўп. Илмий жамоанинг салоҳияти мустақиллик йилларида яратилган китоблар, дарсликлар, ихтиролар, ёқланган докторлик ва номзодлик диссертациялари мисолида яққол кўзга ташланади. Айтиш ўринлики, бу мезонларнинг айрим кўрсаткичлари бўйича олимларимиз республика олий таълим муассасалари орасида 2,3-ўринларга кўтарилишга сазовор бўлганлар.

Президентимиз Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида таълим тизими билан ҳам алоҳида қизиқди ва йигит-қизларга кўпроқ турдаги касб ўргатиш масаласини кун тартибига қўйди. Дунё давлатлари бугун кичик ва ўрта бизнесга алоҳида эътибор қаратмоқда, аксар аҳоли ҳам шу йўл билан фаровонликка эришмоқда. Лекин турли-туман касб эгаларини тайёрламасдан туриб, менежмент санъатини пухта эгалламасдан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириб бўлмайди, дея уқтирдилар.

Қишлоқ хўжалигида ва бизнес соҳасида бўлгани каби олий таълим бобида ҳам ҳали ишга солинмаган, мудраб ётган илмий салоҳият истаганча топилади. Таассуфки, шу давргача ҳам ўқув даргоҳимиз профессор-ўқитувчиларининг асосий машғулоти фақат дарс бериш, рисолалар ёзиш бўлиб келган. Тўғри, физика, биология, иссиқлик энергетикаси каби соҳаларда озмикўпми хўжалик ва давлат шартномалари асосида бюджетдан ташқари маблағ топиш ҳаракати эътиборга лойиқ. Аммо, Қашқадарёдек муаззам вилоятда, аграр соҳаси устувор, нефт ва газ саноати беқиёс заҳирага эга бўлган юртда тупроқшунос, биология ва кимё соҳаси олимлари эски ақидалар билан овуниб ўтирсалар, шубҳасиз, фандаги боқимандалик барҳам топмайди.

Ҳолбуки, табиатшунослик факультетининг университетда ҳар жиҳатдан мавқеи баланд. 10 факультет ичида кафедралар сони, олимлар илмий даражаси ва унвони эътибори билан алоҳида ажралиб туради. Табиатшунослик факультетида 5 та йўналиш мавжуд. Булар — география, кимё, биология, экология ва тупроқшунослик.

Президентимиз қашқадарёликлар олдига уруғчилик ечимини топиш йўлларини маслаҳат берганида, биз олимлар, рости, қаттиқ хижолат бўлдик. Сабаби, университетимизнинг воҳа дончилигида, саноатида, умуман, қишлоқ хўжалигида илмий нуқтаи назардан иштироки қониқарли аҳволда эмас эди.

Жамоамиз билан маслаҳатни бир жойга қўйдик. Эндиликда, табиатшунослик факультети негизида биология-тупроқшунослик ва кимё-география факультетлари ташкил этилди. Тупроқшунослик, ботаника, химия, экология кафедраларининг илмий-тадқиқотчилик имкониятлари кенгайтириладиган бўлди. Чунончи, воҳа ер тузилишининг сифат харитаси, уруғчилик ва навлар селекцияси билан шуғулланиш, кимё саноатининг маҳаллий шароит билан уйғунлигини таъминлаш билан боғлиқ илмий-тадқиқотларни амалга оширишга киришамиз.

**— Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида олий таълим муассасаларида илм-фан ривожи ва тадқиқотчилик фаолиятига алоҳида аҳамият берилган. Бу соҳада қандай ишлар амалга оширилади?**

— Табиийки, университетимизни мумтоз ўқув юртлар мақомига кўтариш кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ. Хорижий алоқалар ва ундан кузатиладиган мусбат жиҳатлар ўз йўлига. Бироқ, фикримча, асосий эътиборни ички имкониятлар ва уни оқилона ишга солишга қаратиш лозим. Буни физика-техника факультети мисолида изоҳлаш жоиз бўлади. Факультетнинг

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

2001йилда жаҳондаги энг йирик 1000 банк жумласидан 403-ўринни ва дунёда ишончлилиги (BIS рейтинги) бўйича 2-ўринни эгаллаган

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ВА ЎЗМИЛЛИЙБАНК ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА

аҳоли муддатли омонатларининг барча турлари бўйича, шунингдек, «Сўм карточкаси» омонатлари бўйича ставкаларни 2001 йил 3 августдан 2 октябрга қадар 10 фоиз кўтаради

ва ишончли замонавий ҳисоб-китоб воситаси — Ўзмиллийбанк сўм карточкасини бепул олиш ноёб имкониятини таклиф этади.

*Миллий банк «Асака» банки ва «Пахтабанк» ўз тўлов тизимларини бирлаштириб, сўм карточкаларига биргаликда хизмат кўрсата бошладилар:*

— ҳисобварақ қаерда очилган бўлишидан қатъи назар, Ўзмиллийбанк сўм карточкаларидан банкомат орқали ҳам, Миллий банк, «Асака» банки, шунингдек, «Пахтабанк»нинг исталган муассасалари кассалари орқали ҳам ҳар доим нақд пул олиш мумкин;

— Ўзмиллийбанк карточкалари супермаркетларда, дўконлар, ресторанлар, маиший хизмат корхоналарида, уяли алоқа компанияларида, авиа ва темир йўл кассаларида, автомобилга мой қуйиш шохобчаларида тўлов воситаси сифатида қабул қилинади.

*Ўзмиллийбанк сўм карточкалари*нинг эгаларига ҳаёт ва саломатликларини бепул суғурталаш имкони берилади.

*«Сўм карточкаси» омонати юбилей мукофотли ўйинида иштирок этади!*




1991 2001 National Bank of Uzbekistan

Сиз қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали: (998 71) 137-62-83, 137-62-81 ёки банкимизнинг исталган муассасасидан олишингиз мумкин. www.nbu.com

